O'zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
Yangiyer shahar
hokimining

Ўзбекистон Республикаси
Сирдарё вилояти
Янгиер шаҳар
ҳокимининг

ҚАРОРИ

2020 йил 03 март **72 - сон**

Янгиер шаҳар ҳудудидан ўтувчи М-34, 4Р-32, 4Р-196а автомобил йўллари ва Янгиер шаҳар марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш хамда тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига "ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги "Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 292-сонли қарорига ва Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБнинг 2020 йил 13 февралдаги 10/6-320-сонли хати хамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБнинг 2020 йил 13 февралдаги "Янгиер шаҳар ҳудудидан ўтувчи М-34, 4Р-32, 4Р-196а автомобил йўллари ва Янгиер шаҳар марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш хамда тартибга солиш тўғрисида"ги 10/6-320-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Ховос тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ш.О.Шеркулов), Янгиер шаҳар ИИБ ЙҲХБ билан келишилган ҳолда:

М-34 автомобиль йўлининг 142-145 километрларида 3.24 "Юқори тезлик чекланган" 60 км/соат, 3.25 "Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири", 7.2.1. "Таъсир оралиғи" ва қўшимча 5.41 "Фото ва видео қайд этиш" йўл белгиларини;

4Р-32 автомобиль йўлининг 1-5 километрларида 3.24 "Юқори тезлик чекланган" 50 км/соат, 3.25 "Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири",

7.2.1. “Таъсир оралиғи” ва қўшимча 5.41 “Фото ва видео қайд этиш” йўл белгиларини;

4Р-196а автомобиль йўлининг 1-3 километрларида 3.24 “Юқори тезлик чекланган” 50 км/соат, 3.25 “Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири”, 7.2.1. “Таъсир оралиғи” ва қўшимча 5.41 “Фото ва видео қайд этиш” йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор расмий нашрда ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Янгиер шаҳар ҳокими **И.Хўжаев**